

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ

Наманган шахри

2023 йил 4 октябрь

Наманган туманлараро иқтисодий суди, судья Ж.С.Мусабоев раислигида, судья ёрдамчиси А.Низамовнинг суд мажлиси котиблигида, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Наманган вилоят ҳудудий бошқармаси даъвогар АТБ “АА” манфаатида жавобгар “ББ” хусусий корхонасидан кредитнинг асосий қарз ва фоизларидан жами 171 576 406,59 сўм қарздорликни ундириш ва ундирувни жавобгарга ҳамда гаровга қўювчи “World Autotrans” масъулияти чекланган жамиятига тегишли гаров мулкига қаратиш тўғрисидаги ҳал қилув қарори қабул қилиш ҳақидаги даъво аризасини даъвогар вакили З.Мирзарахимов (ишончнома асосида) иштирокида ўз биносида очиқ суд мажлисида кўриб, қуйидагиларни

### А Н И Қ Л А Д И:

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Наманган вилоят ҳудудий бошқармаси АТБ “АА” (бундан буён матнда даъвогар деб юритилади) манфаатида судга даъво аризаси киритиб, “ББ” хусусий корхонаси (бундан буён матнда жавобгар деб юритилади) ҳисобидан кредитнинг асосий қарз ва фоизларидан жами 171 576 406,59 сўм қарздорликни ундириш ва ундирувни қўшимча жавобгар “World Autotrans” масъулияти чекланган жамияти (бундан буён матнда гаровга қўювчи деб юритилади)га тегишли гаров мулкига қаратишни сўраган.

Суд муҳокамасида даъвогар вакили даъвони қўллаб-қувватлаб, уни қаноатлантириб беришни сўради.

Жавобгар ва гаровга қўювчи белгиланган тартибда суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида хабардор қилинган бўлсада, суд мажлисида вакил иштирокини таъминламади.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси (бундан буён матнда ИПК деб юритилади)нинг 170-моддаси иккинчи қисмига кўра ишни кўриш вақти ва жойи тўғрисида тегишли равишда хабардор қилинган жавобгар иқтисодий судининг мажлисига келмаса, низо унинг йўқлигида ҳал қилиниши мумкин.

Шунга кўра суд ишни жавобгар ва гаровга қўювчи вакиллари иштирокисиз кўриб чиқишни лозим деб ҳисоблайди.

Суд ишдаги мавжуд далилларга баҳо бериб, ишда иштирок этувчи шахлар вакиллариининг тушунтиришларини тинглаб, қуйидаги асосларга кўра даъвони қаноатлантиришни лозим топади.



Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексининг (бундан буён матнда ФК деб юритилади) 744-моддасига кўра, кредит шартномаси бўйича бир тараф - банк ёки бошқа кредит ташкилоти (кредитор) иккинчи тарафга (қарз олувчига) шартномада назарда тутилган миқдорда ва шартлар асосида пул маблағлари (кредит) бериш, қарз олувчи эса олинган пул суммасини қайтариш ва унинг учун фоизлар тўлаш мажбуриятини олади.

ФКнинг 236-моддасига асосан, мажбуриятлар мажбурият шартларига ва қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ, бундай шартлар ва талаблар бўлмаганида эса – иш муомаласи одатларига ёки одатда қўйиладиган бошқа талабларга мувофиқ лозим даражада бажарилиши керак.

ФКнинг 333-моддасига асосан, қарздор айби бўлган тақдирда мажбуриятни бажармаганлиги учун, агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, жавоб беради.

Агар ушбу кодексининг 41-бобининг 2-параграфи (кредит) қоидаларида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса ва у кредит шартномасининг моҳиятидан келиб чиқмаса, кредит шартномаси муносабатларига нисбатан ушбу боб 1-параграфи (қарз)нинг қоидалари қўлланади.

ФКнинг 735-моддасига асосан, қарз олувчи олинган қарз суммасини қарз шартномасида назарда тутилган муддатда ва тартибда қарз берувчига қайтариши шарт.

Иш ҳужжатларидан аниқланишича, даъвогар жавобгарга 2021 йил 25 августдаги МК-042-сонли кредит шартномасига асосан, 36 ой муддатга, йиллик 20 фоиз устама тўлаш шarti билан, 300 000 000 сўм миқдорида кредит маблағи ажратиб берган.

Кредит қайтарилиши таъминоти сифатида гаровга қўювчига тегишли 2007 йилда ишлаб чиқарилган, двигатель рақами D13\*076718\*A1\*A, кузов рақамсиз, давлат рақами 50 115 СВА бўлган, “VOLVO FH4XT” русумли юк автомашинаси; 2007 йилда ишлаб чиқарилган, двигатель рақамсиз, кузов рақами ТЕНТ ДВ ФУРГОН, давлат рақами 50 8655 АА бўлган, “KRONE SD” юк ташувчи тиркама ҳамда жавобгарга тегишли 2002 йилда ишлаб чиқарилган, двигатель рақами D12\*313508\*D1A, кузов СЕД.ТЯГАЧ, давлат рақами 50 270 JBA бўлган, “VOLVO FH12” русумли юк автомашинаси гаровга қўйилган.

Жавобгар кредит ва унга ҳисобланган фоизларни ўз вақтида тўлаб бормасдан, кредит шартномаси шартларини бузган. Бунинг оқибатида, ўз вақтида тўланмаган кредит қарзи ҳозирги кун куни ҳолатига кредит ва фоизлардан жами 171 576 406,59 сўмни ташкил этган.

Ваҳоланки, кредит шартномаси шартларига кўра жавобгар кредит ва унга ҳисобланган фоизларни тўлов графигида белгиланган санада тўлаб бориши лозимлиги, жавобгар шартномада белгиланган мажбуриятларни бажармаганда кредитни муддатидан олдин ҳисобланган фоизлари билан қайтаришни даъвогар талаб қилиши белгиланган.



ФКнинг 736-моддаси иккинчи қисмида белгиланишича, агар қарз шартномасида қарзни қисмлаб (бўлиб-бўлиб) қайтариш назарда тутилган бўлса, қарз олувчи қарзнинг навбатдаги қисмини қайтариш учун белгиланган муддатни бузган тақдирда, қарз берувчи қарзнинг қолган барча суммасини тегишли фоизлар билан бирга муддатидан олдин қайтаришни талаб қилишга ҳақли.

Юқоридаги ҳуқуқ нормалари ва тарафлар ўртасида тузилган кредит шартномаси шартлари даъвогарнинг кредитни муддатидан олдин ундиришга ҳақли эканлигини кўрсатади.

Даъвогарнинг жавобгардан кредит суммаси ва унга ҳисобланган фоизларни ундириш талаби асосли бўлиб, уни 171 576 406,59 сўмга қаноатлантириш лозим бўлади.

Шунингдек, кредит қайтарилиши таъминоти сифатида гаровга қўювчига 2007 йилда ишлаб чиқарилган, двигатель рақами D13\*076718\*A1\*A, кузов рақамсиз, давлат рақами 50 115 СВА бўлган, “VOLVO FH4XT” русумли юк автомашинаси; 2007 йилда ишлаб чиқарилган, двигатель рақамсиз, кузов рақами ТЕНТ ДВ ФУРГОН, давлат рақами 50 8655 АА бўлган, “KRONE SD” юк ташувчи тиркама ҳамда жавобгарга тегишли 2002 йилда ишлаб чиқарилган, двигатель рақами D12\*313508\*D1A, кузов СЕД.ТЯГАЧ, давлат рақами 50 270 JBA бўлган, “VOLVO FH12” русумли юк автомашинаси гаровга қўйилган.

Мазкур шартномага кўра гаровга берувчи - ўз зиммасига кредит шартномаси бўйича тўлов мажбуриятларни бажармаганда мазкур мажбуриятни гаровга қўйган мулк ҳисобидан бажариш мажбуриятини олган.

ФКнинг 279-моддасига кўра гаровга олувчининг (кредиторнинг) талабларини қондириш учун ундирувни қарздор гаров билан таъминланган мажбуриятни ўзи жавобгар бўлган вазиятларда бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда гаровга қўйилган мол-мулкка қаратиш мумкин.

Юқоридагиларга асосан суд ундирувни гаровга қўйилган мол-мулкка қаратишни лозим топади.

ИПК 118-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ, суд харажатлари ишда иштирок қилувчи шахсларнинг қаноатлантирилган даъво талаблари миқдорига мутаносиб равишда уларнинг зиммасига юклатилади, учинчи қисмига мувофиқ, даъвогар тўлашдан белгиланган тартибда озод қилинган давлат божи, агар жавобгар бож тўлашдан озод қилинмаган бўлса, қаноатлантирилган даъво талаблари миқдорига мутаносиб равишда жавобгардан республика бюджети даромадига ундирилади.

“Давлат божи тўғрисида” тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонуни иловасининг 2-банди “а”-кичик бандида иқтисодий судларда мулкий хусусиятга эга даъво аризаларидан даъво баҳосининг 2 фоизи миқдорида давлат божи ундирилиши назарда тутилган.



Юқоридагиларга асосан, жавобгардан даъвогар фойдасига тўланган 33 000 сўм почта харажати, бюджетга 26 579 147,5 сўм давлат божи ундириш лозим бўлади.

Баён этилганларга кўра ҳамда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 118, 176-179-моддаларини қўллаб, суд

### **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

АТБ “АА” манфаатида Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Наманган вилоят ҳудудий бошқармасининг даъво талаблари қаноатлантирилсин.

АТБ “АА” фойдасига “ББ” хусусий корхонаси ҳисобидан кредитнинг асосий қарз ва фоизларидан жами 171 576 406,59 сўм ҳамда 33 000 сўм почта харажати ундирилсин.

“ББ” хусусий корхонасидан бюджетга 3 431 528,13 сўм давлат божи ундирилсин.

Ундирувни “World Autotrans” масъулияти чекланган жамиятига тегишли 2007 йилда ишлаб чиқарилган, двигатель рақами D13\*076718\*A1\*A, кузов рақамсиз, давлат рақами 50 115 СВА бўлган, “VOLVO FH4XT” русумли юк автомашинаси;

2007 йилда ишлаб чиқарилган, двигатель рақамсиз, кузов рақами ТЕНТ ДВ ФУРГОН, давлат рақами 50 8655 АА бўлган, “KRONE SD” юк ташувчи тиркамаси;

“ББ” хусусий корхонасига тегишли 2002 йилда ишлаб чиқарилган, двигатель рақами D12\*313508\*D1A, кузов СЕД.ТЯГАЧ, давлат рақами 50 270 ЈВА бўлган, “VOLVO FH12” русумли юк автомашинасига қаратилсин.

Ҳал қилув қарори бир ойлик муддатда кучга киради.

Ҳал қилув қарори кучга киргандан сўнг ижро варақаси берилсин.

Мазкур ҳал қилув қарори устидан бир ойлик муддатда Наманган вилоят судининг иқтисодий ишлар бўйича судлов хайъатига апелляция тартибида шикоят қилиш (протест келтириш) мумкин.

**Раислик қилувчи**

**Ж.С.Мусабоев**

